

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

ТЎРАЕВ МУЗАФФАР ФАРМОНОВИЧ

**БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими йўналиши
мисолида)**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Тўраев Музаффар Фармонович

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими йўналиши мисолида)..... 3

Тураев Музаффар Фармонович

Совершенствование методики развития информационно-коммуникативной компетентности будущих педагогов профессионального образования (Профессиональное образование в сфере информационно-коммуникационных технологий)..... 23

Turaev Muzaffar Farmonovich

Improving the methodology for the development of the information-communicative competence of future teachers of vocational education (Vocational education in the field of information and communication technologies)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

ТЎРАЕВ МУЗАФФАР ФАРМОНОВИЧ

**БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
АХБОРОТ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими йўналиши
мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунарни таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped2644 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ipitvet.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Химматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматов Дилмурод Нормуродович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент.

Етакчи ташкилот:

**И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника
университети**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "11" 03 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб - ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил "24" 02 кун тарқатилди.
(2022 йил "24" 02 даги 23 рақамли реестр баённомаси)


Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик
С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор
Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот технологиялари ва рақамли технологияларнинг таълим, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориши кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг муҳим компетенцияларини шакллантириш ҳамда баҳолашда ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларида мажмуавий фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим оловчиларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини шакллантириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш учун, талабанинг шахсий таълим траекториясини белгилашга доир шарт-шароитлар яратиш, таълимни индивидуаллаштириш, таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини жорий этиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибага кўра, бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг касбий фаолиятида мутахассисликка тегишли янги ахборотларни излаб топиш ва уларга ишлов бериш ҳамда таълим жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш орқали коммуникативлик, лойиҳалаш, конструкциялаш, бошқарув, тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини ривожлантириш, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва баҳолаш, бутун ҳаёти давомида таълим олишга қаратилган инновацион таълим технологиялари орқали уларда мустақил таълим олиш, хорижий тилларни ўзлаштириш, фаолиятни танқидий таҳлил қилиш ва жамоавий ишлаш, қарор қабул қилиш, доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш асосида педагогик фаолиятда узлуксиз ахборот-коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришни тақазо этмоқда.

Республикамизда, олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини ахборотлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш¹ масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида мутахассисларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали ИТ-мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бўлажак АКТ соҳаси муҳандис-педагоглари фаол ижодий фикрловчи,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ҚХММБ: 06/19/5847/3887-сон 09.10.2019 й. <https://lex.uz/docs/4545884>

изланувчан, керакли ахборотларни мустақил равишда излаб топувчи ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллай олувчи мутахассислар қилиб тайёрлаш тизимини самарали ташкил этишда уларнинг ахборот-коммуникатив компетенцияларига алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сон “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш, бўлажак мутахассислар касбий фаолиятинининг ахборот-дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Р.Х.Джураев, А.А.Абдуқодиров, Ш.Э.Қурбонов, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, З.К.Исмаилова, Ф.М.Закирова, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлоқов, Ш.С.Шарипов, О.Х.Туракулов Т.Т.Шоймардонов, С.С.Ғуломов каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.П. Беспалько, М.В.Бернавская, Н.Н.Доловова, О.Ю.Лебедева, С.В.Савельева, Н.И.Самойлова, С.В.Тришина, К.А.Федуловаларнинг тадқиқотлари таълимни рақамлаштириш шароитида, бўлажак мутахассисларда ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Хорижлик олимлардан Zh.S.Drevich, H.G.Widdowson, F.Hofstetter, D.Hymes, M.Pultz, G.Krippel, J.Perner, E.S.Polatларнинг илмий изланишларида талабаларнинг ахборот-коммуникатив саводхонлигини ошириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этишнинг амалий педагогик асослари ёритиб берилган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий изланишлар ва манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш мураккаб ва кўп ўлчовли жараён эканлиги, техника олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш масаласи алоҳида илмий муаммо сифатида ўрганилмаганлиги ҳамда бугунги ахборотлашув, глобаллашув ва мобиллашув шароитида уларда ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, методик модели тузилмаси, компонентлари, параметрлари, таълим технологияси, ахборот-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, баҳолаш мезонлари орқали даражаларини аниқлаш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасидаги 609715-EPP-1-2019-1-UZ-EPPKA2-SBHE-JP рақамли “SPACECOM: “Коинот тизимлари ва алоқа муҳандислиги бўйича янги ўқув дастури” (“New study program in space systems and communications engineering”)” (2019-2022) мавзусидаги халқаро грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

техника олий таълим муассасаларида “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналиши талабаларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисини индивидуал лойиҳалар ишлаб чиқишга тайёрлаш орқали ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражаларини аниқлаш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти техника олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқот предмети бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзу бўйича илмий, фалсафий, психологик, педагогик ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик эксперимент; сўров ўтказиш, тест ўтказиш, мутахассислар ва талабалар

билан суҳбатлашиш учун амалий социология усуллари, ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт баҳолаш усуллари, рейтинг, тажриба маълумотларини ўлчаш ва математик ишлов бериш усуллари, уларни тизимли ва сифатли таҳлил қилиш; кўп ўзгарувчан статистик таҳлил усуллари, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида талабаларни ахборотли маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва лойиҳа маълумотларини бошқаришда касбга йўналтириб ўқитиш орқали ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг услубий-дидактик таъминоти тизимли, компетенциявий ва методологик ёндашувлар асосида мазмунан ривожлантирилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели мақсадли, мазмунли, жараёнли ва ташхисловчи-нативажавий компонентларнинг ҳамда изчиллик, мобиллик, касбга йўналтирилганлик тамойилларининг узвийлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим ўқитувчисини компьютерда маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириб ўқитиш орқали ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси техник ва педагогик жараёнларни визуал дастурлаш (RAD Studio, Arduino, Python) ва ахборотли-дидактик мобил иловалар ишлаб чиқиш (CSS, PHP, Java) асосида такомиллаштирилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожланганлигининг репродуктив, продуктив ва ижодий даражалари, баҳолаш тизими ва индикаторлари прогноз параметрларининг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини аниқлаштириш натижасида оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналиши талабаларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга мўлжалланган “Маълумотлар базасини бошқариш” фанидан ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва нашр эттирилган;

бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик моделини ишлаб чиқилган;

5350400- “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналиши ўқув режасидаги умумқасбий фанлар блокига кирувчи “Маълумотлар базасини бошқариш” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда ахборот-коммуникатив компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ахборот-дидактик таъминот, жумладан, интерфаол ўқитиш методлари, кейслар тўплами ва ахборот-коммуникатив характеридаги машқлар, ижодий топшириқларни ўз ичига олган ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

интеллектуал мулк агентлигидан ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурий воситалар ва электрон маълумотлар базаси учун 2 та

муаллифлик гувоҳномаси олинган;

талабаларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнини амалга оширишнинг дидактик таъминоти учун “Касбий мулоқот соҳасида таржимон” изоҳли луғати мобил иловаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинган янгича ёндашув услублари асосида талабаларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини интерфаол методлар орқали шакллантириш имкониятларини кенгайтириш, илмий фикрларини ривожлантириш, таълим жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий қилиш, дарс машғулотларини ташкил қилишда дастурлаш тилларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини ахборот-коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун “Маълумотлар базасини бошқариш” фанини ўқитишда қўлланиладиган интерактив таълим методлари, педагогик ва техник дастурий маҳсулотларни яратишда дастурлаш тиллари ва маълумотлар базасидан фойдаланишнинг назарияси ва амалиёти бирлигини илмий-методик жиҳатдан таъминлашга оид таклифларни ўз ичига олган “Маълумотлар базасини бошқариш” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676–сон буйруқ, 676–520 рақамли гувоҳнома). Натижадан таълим жараёнида фойдаланиш таълим сифатини ошириш ва талабаларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш имконини берган;

объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари имкониятларидан фойдаланиб, талабаларнинг ахборот-коммуникативлик, креативлик, лойиҳалаш, конструкциялаш, бошқарув, тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини ривожлантиришга мўлжалланган дидактик таъминот (техник ва педагогик дастурий маҳсулотлар, мобил илова) ишлаб чиқилган ва

таълим жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг №07521, №07986 муаллифлик гувоҳномалари). Натижада бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга ҳамда таълимда ўқув курслар мазмуни, ўқитиш методикаси ва педагогик тажриба-синов ишларининг сифат даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та Халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий ишлар чоп этирилган, шулардан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 5 та, хорижий ва МДХ мамлакатлари журналларда 3 та илмий мақолалар нашр қилинган. Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида, коммуникативлик ва ахборот-коммуникатив компетентликнинг мазмунли тузилмаси ва назарий асослари таҳлили, ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, **“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими”** йўналиши талабаларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуний хусусиятлари аниқланди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурлаш тилларидан фойдаланиб, ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш бўйича хорижий ҳамда мамлакатимиз олимларининг тадқиқот ишлари ва таълим йўналиши малака

талабларида бўлажак мутахассисларга қўйиладиган талаблар таҳлил қилинди.

Педагогик фаолиятга нисбатан мазмунли компонент, ўқитувчи томонидан таълим, тарбия ва касбий фаолиятнинг мазмунини белгилашда, шахсни ўрганувчи фанлар асослари бўйича назарий билимларга эга бўлишни назарда тутди. Фаолиятли компонентга шахс томонидан самарали ўзлаштирилган, ҳаракатда синалган касбий билим ва кўникмалар киради. Шахсий компонент ўқитувчининг шахс субъекти сифатидаги мавқеи ва касбий йўналганлигини белгиловчи шахсий сифатлардан ташкил топган.

Умумий маънода, коммуникатив компетентлик табиий мулоқот жараёнида шахснинг орттирилган махсус сифати ёки бир неча компонентлардан иборат махсус ташкил этилган тренинг бўлиб, уларни ўзаро лингвистик, субъектив ва прагматик фарқлаш мумкин деган ҳулосага келинди.

Мутахассиснинг коммуникатив компетентлигини маълум шахсий ва касбий коммуникатив сифатлар ҳамда коммуникатив малакалар мажмуи сифатида белгилаш мумкин. Унинг таркибида биз, ахборот-коммуникатив компетентликни шакллантирувчи тўртта компонентни: когнитив, фаолиятли, интерактив ва рефлексив компонентларни ажратиб олдик.

“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” йўналиши талабаларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун коммуникативликнинг барча қирраларини қамраб олган турли жиҳатларнинг органик комбинацияси, мулоқотни ташкил этиш воситалари ва усулларини, инсон-компьютернинг ўзаро муносабатлари шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бевосита ахборот-коммуникатив мулоқотни ташкил этиш жиҳатлари аниқланди.

Ахборот билан ишлаш таянч компетенция ҳисобланиб, ўз навбатида узлуксиз таълим босқичларида ўзига хос ўсиб бориш динамикасини кўзда тутди. Олий таълим муассасалари талабаларида ахборот-коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, бакалаврият таълим йўналишлари малака талаблари асосида таҳлил қилинди.

Ахборотлашган жамият шароитида, таълимни ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жарёнлари кечаётган бир пайтда, бўлажак профессионал таълим ўқитувчисидан нафақат коммуникатив компетенцияга эга бўлиш, балки ахборот-коммуникатив компетенцияга ҳам эга бўлиш талаб этилади. Бу профессионал таълимда компетентли ёндашувнинг асосий талаби ҳисобланади.

Ахборот-коммуникатив компетенция – бу ахборотни мустақил излаш, керакли маълумотларни танлаб олиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш қобилиятини тавсифловчи шахснинг профессионал аҳамиятли интегратив сифати, объектлар ва жараёнларни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш, индивидуал ҳамда гуруҳий иш жараёнида ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш қобилиятидир.

Тадқиқотчилар томонидан “ахборот-коммуникатив компетентлик” атамасининг турли хил талқин қилиниши, “талабаларнинг

ахборот-коммуникатив компетентлиги” тушунчасига қуйидагича муаллифлик ёндашуви асосида таъриф беришни тақозо этди: “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлиги – бу касбий фаолият соҳасига мос замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, педагогик ва техник дастурий махсулотлар яратишда дастурлаш тилларидан фойдаланиш, креатив фаолият натижаларини рақамли технологиялар воситасида тақдим этиш қобилиятидир”.

Биз бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг “Ахборот-коммуникатив компетенцияси” деганда унинг касбий фаолиятида турли дастурлаш тилларининг лингвистик ва стилистик конструкцияларини мустақил хатосиз қуришда фойдаланишга имкон берувчи компетентлигини назарда тутамиз.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда ўзаро алоқанинг уч турини яъни, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаол мулоқот, ахборот технологиялари воситасида ёрдамида шахслар ўртасидаги мулоқот, компьютер билан инсон мулоқотининг ўзига хос алоқасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Коммуникатив компетенция, биринчи навбатда инсонлар билан бевосита мулоқот қилиш билан боғлиқ бўлган касб вакиллариغا ёки бошқача айтганда, “инсон-инсон” тизимига тегишли. Ахборот-коммуникатив компетенция эса, “инсон-компьютер” тизими билан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, ахборот-коммуникатив компетенцияга эга бўлиш, ахборот-коммуникация параметрларини билиш, уларни ўрнатиш, алоқа жараёнини шакллантириш ва уни бошқариш имкониятига эга бўлиш демакдир. Мулоқотнинг бу хусусияти, таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг бир-бири билан ахборот муҳитида мулоқот ўрната олиши, ахборотни тўғри қабул қила олиши ва тўғри етказа билиши, интернет тармоғида мулоқотга кириша олиши, музокараларда фойдаланиш, яъни интернетда ва таълим платформаларида мулоқот услубига эга бўлиш ҳисобланади.

Инсоннинг компьютер билан бевосита мулоқоти, фойдаланувчининг интерфейс ҳақидаги идроки орқали содир бўлгани учун, ўзаро мулоқотлар тез ва осон давом этади. Инсон мулоқот жараёнига киришиши учун, компьютернинг интерфейси визуал анализатор хусусиятларига ҳам эга бўлиши керак. Шунга кўра, ахборот-коммуникатив компетентликни ташкил этувчи касбий мулоқот компетенцияларига эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига, мутахассислар тайёрлаш сифати билан бевосита боғлиқ бўлган малака талаблари мазмунига киритилиши лозим.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигининг когнитив, фаолиятли, интерактив ва рефлексив компоненталари 1-жадвалда келтирилган.

**Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг
ахборот- коммуникатив компетентлигининг компонентлари**

№	Когнитив	Фаолиятли	Интерактив	Рефлексив
1.	Касбий фаолиятда компьютер технологияларини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини эгаллаш ва кўрсата олиш;	Автоматлаштирилувчи тизимларни дастурий таъминотини ахборотли, математик, лингвистик усулда ишлаб чиқиш;	Инсон ва компьютер ўзаро таъсирини лойиҳалаш услубларини ишлаб чиқиш;	Касбий, шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш
2.	Дастурий аппарат мажмуасини сертификатлаш ва аттестациялаш қоидаларини билиш;	Маълумотларни қайта ишлаш, йиғиш, сақлаш, ахборот узатиш;	Фойдаланувчи интерфейсини қайта ишлаш инструментларини фарқлай олиш;	Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш
3.	Локал ва глобал тармоқларда ахборотни ҳимоялашнинг замонавий методларини билиш;	Дастурий-аппарат мажмуи технологиялари, тиллари ва методларини билиш;	Мультимедия, компьютер графикаси ва Web дастурлашни билиш;	Таниш ва нотаниш вазиятларда мустақил таҳлил қилиши асосида хулосалар қилиш
4.	Эргонометрик, валеологик, таксонометрик талабларни инсон ва компьютернинг биргаликдаги фаолиятига мослаштириш;	Компьютернинг таъминот функциялари, ҳисобаш тизимлари мажмуи ва тармоқ компонентлари, архитектурасини ва тавсифларини билиш;	Замонавий корпоратив тузилмалар ва телекоммуникация тармоқларини моделлаштириш;	Инсон ва компьютер ўзаро мулоқотининг турли жиҳатларини англаш
5.	Инсон ва компьютер ўзаро таъсирини педагогик ва психологик аспектларини билиш;	Маълумотлар базаси ва тилни билиш, лойиҳа маълумотларини бошқаришни ҳамда маълумотлар базасини қуришни билиш;	Локал ва глобал тармоқларни лойиҳалаш, конструкциялаш, моделлаштириш, ахборотни	Интернетда ва таълим платформаларида мустақил мулоқот услугига эга бўлиши
6.	Дастурий таъминот сифати ва яроқлилигини баҳолашни билиш, дастурий таъминотни тестлаш.	Ҳужжатлар билан ишлаш, дастурий аппарат ҳужжатларини юритишни билиш.	Электрон почта, масофавий бошқарув, конференц-алоқа файлларини баённомаларини	АКТ соҳасида билим ва кўникмаларни кўллаш бўйича ўз-ўзини баҳолай олиш

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг коммуникатив компетентлиги интегратив характерга эга ва касбий фаолият маҳсулидир.

Ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришда иккита асосий шартни ҳисобга олиш керак.

Биринчи шарт - бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда когнитив, фаолиятли, интерактив ва рефлексив компонентлар ҳисобга олиниши керак.

Иккинчи шарт- Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда мутахассислик фанларини чет тилига боғланган ҳолда ўқитиш зарур.

Диссертациянинг **“Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида, бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнини моделлаштириш, ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг ахборий-дидактик таъминотини такомиллаштириш ҳамда “Маълумотлар базасини бошқариш” фанини модулли ўқитиш асосида бўлажак мутахассисларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси масалалари ёритилган.

Талабаларни ахборот-коммуникатив компетенлигини ривожлантириш бўйича таълим йўналиши ўқув режасидаги “Маълумотлар базасини бошқариш” фанини модулли ўқитишда, Smart, Sindikat, Scamper, Diamond каби интерактив таълим методлари қўлланилди. Ушбу таълим методлари ахборот-коммуникацион технологияларига соҳасига тегишли фанларни ўқитишга мўлжалланган интерактив таълим методлари ҳисобланади.

SCAMPER интерактив таълим методи мослашувчанлик билан фикрлашни кучайтирувчи саволлар тоифасига асосланган. Scamper схемаси substitute (алмаштирмақ, ўзгартирмоқ), combine (бирлаштирмақ), adapt (мослаштирмақ), modify (ўзгартирмоқ, бошқа шакл бермоқ), modify/magnify (максималлаштирмақ, минималлаштирмақ), put to other uses (бошқа соҳа, усулда қўллаш), eliminate (олдини олмоқ) va rearrange (қўлланилишини ўзгартириш) каби тушунчалар асосида ишлаб чиқилган. Scamper таълим методини қўллаш асосида талабаларнинг алгоритмлаш, моделлаштириш кўникмалари ривожлантирилади. Талабалар “Маълумотлар базасини бошқариш” фанидан амалий машғулот топшириғини бажариш мобайнида, мустақил равишда ахборот тизимларини яратиш, маълумотлар базасини лойиҳалаш, маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлашга таалукли бўлган адабиётларни таҳлил қилиш ва амалий тажрибаларни умумлаштириш, фаннинг барча бўлимларига тегишли масалаларни ечиш алгоритмининг умумий ҳамда ўзига хос томонларини фарқлай оладилар.

“DIAMOND” – интерактив таълим методи, янгича ғоялар ва уларга ечим излаш билан изоҳланади. “Маълумотлар базасини бошқариш” фанидан маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълимни ташкил этишда юзага келадиган муаммоларга ечим топишда ёрдам берадиган замонавий таълим методидир. Мазкур таълим методини дарс жараёнида қўллаш, ҳар бир талабанинг фан бўйича билим, кўникма ва малакасидан келиб чиқиб, қўйилган масала бўйича шахсий креатив ғоясини 20-25 сўздан иборат фикрлар орқали баён қилади ҳамда белгиланган шаклга

жойлаштиради. Кейинги босқичда ушбу ғояни амалга ошириш йўллари изохлайди. Дарс машғулотида ушбу таълим методидан фойдаланиш талабаларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожланишига хизмат қилади.

Амалий машғулотларда “SINDIKAT” интерфаол таълим методини қўллаш таълим сифати самарадорлигини оширади. Ушбу таълим методини қўллаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади. Бунда гуруҳ учта кичик гуруҳларга бўлиниб, бериладиган топшириқ кичик гуруҳлар томонидан уч хил нуқтаи назардан ҳал этилиши лозим. “SINDIKAT” (юнонча “биргаликда ҳаракат қилиш”, “маслакдошлик”) методи талабаларда мавзу (масала, муаммо)ни ижодий ўрганиш, назарий билимларни умумлаштириш, тизимлаш асосида фикрни қисқа ва аниқ баён қилиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилади. Ҳар бир гуруҳ ягона топшириқни уч хил вариантда ҳал этиши лозим. Масалан: бирор соҳа фаолиятига тегишли автоматлаштирилган ахборот тизими лойиҳасини уч хил усулда ишлаб чиқиши керак. Кичик гуруҳлар топшириқни бажариб бўлишгач, улар томонидан тақдим этилган ечим (ишланма)лар жамоа томонидан муҳокама қилинади. Сўнгра ечимлар биргаликда муҳокама этилиб, умумлаштирилади.

SMART- интерфаол методини таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари асосида, online ва offline режимда ташкил этиш имконини беради. Ушбу таълим методи дарс жараёни қулай жой ва вақт тамойили асосида амалга оширилишини таъминлайди. SMART қуйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган S – specific — аниқ, M – measurable — ўлчовли, Achievable – эришиладиган, R – relevant, resours – мувофиқ, ресурс, T – time bound – вақт бўйича чегаралар каби маъноларни ўзида ифодаладиган интерактив таълим методи ҳисобланади. Мазкур метод мобил платформалардан, интернет тизими хизматларидан телеконференц алоқа, вебинарлар, блоглар, видео ва аудио медиалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ахборотнинг тез тарқатилишини ҳамда таълим жараёнида ижтимоий медиалардаги ахборотлардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Ўрганилаётган мавзу юзасидан қўшимча электрон дидактик воситалар билан таъминлашни назарда тутаяди. Соҳага тегишли етакчи амалиётчи мутахассислар билан online -семинарларни ташкил этиш имконини беради. Талабалар ўрганилаётган мавзу бўйича бир-бирлари билан мулоқот қиладилар ҳамда ушбу масала ечимига қаратилган муҳокама материалларидан кейинги тингловчиларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тақдирот ишида ишлаб чиқилган терминологик аппарат ва методологик ёндашувлар, профессионал таълим ўқитувчисини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик моделини куришнинг таркибий ва функционал аспектларини асослаб беришимизга имкон яратди. Таклиф этилаётган моделнинг функционал аспекти, модел таркибини бешта асосий компонентдан ташкил топганлигини ҳамда ҳар бир компонент муайян функцияларни бажариши билан ифодаланади.



1-расм. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели

Мазкур таркиб бешта ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи мақсадли, мазмуний, жараёнли, баҳолаш ва натижавий компонентларни ўз ичига олади. Ушбу компонентлар ўзаро боғлиқ ҳамда ахборот-коммуникатив компетентликни кетма-кет ривожлантиришни, башорат қилинаётган даражадаги ахборот-коммуникатив компетентли профессионал таълим ўқитувчисининг шахсий ва касбий сифатларни ривожланишини таъминлайди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели мазмуни қуйидагича тавсифланади. Мақсад компонентида профессионал таълим ўқитувчисига бўлган ижтимоий талаб асосда мақсад аниқланади. Мазмуний компонентда мақсадга эришиш учун вазифалар ишлаб чиқилади ва ёндашувлар ва тамойиллар асосида ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-ташқилий шарт-шароитлар аниқланади. Жараёний компонентда ахборот-коммуникатив компетентликни таркибий тузилмаси, “Маълумотлар базасини бошқариш” фанини ўқитиш усуллари, шакллари, таълим методлари ва воситалари орқали жараён амалга оширилади. Баҳолаш компонентида, олиб борилган педагогик тажриба синови босқичлари, ахборот-коммуникатив компетентликни ривожланганликни аниқлаш мезонлари ва даражаларини акс эттиради. Натижада эса, ахборот-коммуникатив компетентли профессионал таълим ўқитувчиси тайёрлашга эришилади.

Ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш тизимининг зарурий компоненти, талабаларнинг билиш қобилиятларини бевосита ривожлантириш ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам берадиган ҳамда талабалар томонидан билимларни ўзлаштиришга ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини текширишга кўмаклашадиган дидактик воситалардир. Дидактик воситаларни танлаш ўқув ишларининг мақсадлари, мазмуни, усуллари, ўрганилаётган материалнинг хусусиятларига ва ўқув жараёнининг техник жиҳозланишига боғлиқ.

Касбий мулоқот кўникмаларини шакллантириш учун барча алоқа воситаларидан, биринчи навбатда компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланилди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнини жадаллаштиради, уни ҳаракатга келтиради, таълим мазмунининг сифатини сезиларли даражада яхшилади ва энг муҳими, бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятининг барча жиҳатларини интеграциялашувига имкон беради.

Компьютер ўқув воситаси сифатида, мутахассис тайёрлашнинг таълимий, коммуникатив, ахборот берувчи, назорат қилувчи каби бир қанча вазифаларни бажаради. Ўқув автоматлаштирилган луғатлар, маълумотлар базаси ва электрон энциклопедиялар ёрдамида ҳар бир талаба нафақат мутахассисликка оид атамалар луғатини, балки бу билим соҳасида энг кўп фойдаланиладиган қисқартмаларни ўз ичига олган ихтисослашган шахсий луғатини яратади. Талабалар касбий фаолият вазиятларида тасавурларини кўллайдилар. Компьютер дастурий таъминоти (амалий, тизимли, сервис, асос): Visual C++, Arduino, матн муҳаррирлари, электрон жадваллар,

мультимедия технологиялари, офис дастурлари, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида кенг қўлланилди.

Биз бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари, келгусида профессионал таълим муассасаларида бўлажак дастурчи-муҳандисларни тайёрлаш жараёнининг бевосита иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб, уларни педагогик дастурий воситалар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича компетенцияларини ривожлантириш методикасига алоҳида эътибор қаратдик. Олиб борилган илмий ва педагогик тадқиқотларимиз натижасида кўзланган мақсадга эришиш учун, ўқув фаолиятининг ҳар бир қисмида бўлажак мутахассиснинг маълум бир компетенцияларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Таълим жараёнида ўқув фаолиятининг асосий (маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти) ва ёрдамчи (мустақил таълим, индивидуал лойиҳа, тўғарак) шаклларида талабаларни ўқитиш жараёнини фақатгина анъанавий эмас, масофавий таълим асосида ташкил этишда қўлланиладиган мавжуд ва янги педагогик таълим методларини қўллаш орқали ривожлантириладиган компетенциялари асосида ахборот-коммуникатив компетентли бўлажак профессионал таълим ўқитувчисини тайёрлаш жараёнини очиб бердик.

Таълим жараёнида ўқитишнинг online ва offline шаклдан фойдаланиб, педагогик дастурий маҳсулотлар, электрон таълим ресурслари, таълим сайтлари, мобил иловалар ишлаб чиқиш орқали талабаларни ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга эришилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба–синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган. Педагогик тажриба-синов ишлари 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 йилларда, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши, Самарқанд ва Урганч филиалларида олиб борилди. Педагогик тажриба-синов ишлари *асословчи, таъкидловчи, ривожлантирувчи* босқичларда амалга оширилди. Педагогик тажриба-синов ишларида кафедра ўқитувчилари, таълим сифатини назорати ва диагностика бўлими ҳамда юқоридаги олий таълим муассасалари талабалари иштирок этди.

Педагогик тажриба-синов ишининг асосий мақсади, бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ихтисослик фанларини дастурлаш тиллари ва воситалари имкониятларидан фойдаланиб ўқитиш орқали ривожлантиришдан иборат бўлди.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожланганлигини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари танланди:

